

Andijon shahar, Navoiy shox ko'chasi, 33 uy Tel/faxs: (374) 223-59-89 H/r 20208000104004480001  
ATIB Ipoteka bank Andijon filiali MFO 00059 INN 202613599 Erkinaudit@mail.ru

2018.6.06

"ASAKA YOG" Акциядорлик жамиятининг  
2017 йил учун тузилган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказиш натижаларига  
кура

### АУДИТОР ҲУДОСАСИ

Ўзбекистон Республикасининг Адлия Вазирлигига 2013 йилнинг 7 августа 492-сон рақам билан кайта рўйхатдан ўтган, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2008 йил 7 марта берилган барча ҳўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ўтказиш хукукини берувчи 00262-сон лицензияси эгаси масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «Erkin-Audit XXI» аудиторлик ташкилоти, Андикон шахар, Навоий шох кўчаси 33 уй, АТИБ "Ипотекабанк" Андикон бўлими, хисоб рақами № 20208000104004480001 МФО 00059, ИНН 202613599, ОКОНХ 84400, томонидан, "Asaka yog" Акциядорлик жамиятини билан 2018 йилнинг 02 феврал санасида тузилган 02-01-18-сонли шартномасига асосан, жамиятнинг 2017-йиллик даври мобайнидаги ҳўжалик муомалаларини 2018 йилнинг 23 февралядан 06 мартаға кадар бўлган давр мобайнини аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Аудиторлик ташкилоти директори, аудитор, Хусанов Ш.Б. 06.02.2001 йил санасида берилган малака сертификати №00801, аудитор, Пирматов Б.А 24.08.2013 йил санасида кайта расмийлаштирилган малака сертификат №05141 томонидан ҳўжалик юритувчи субъект "Asaka yog" Акциядорлик жамиятининг Молиявий ҳисоботлари №1 «Баланс», №2 «Молиявий натижалар», №3 «Пул оқимлари », №4 «Хусусий капитал » дан иборат 2017 йил 31 декабр ҳолатига тузилган молиявий ҳисоботларини ишончлилигини мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Ҳўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳакқонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз "Asaka yog" Акциядорлик жамиятининг илова килинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошка молиявий ахборотлар барча мухимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофикалиги ва ҳакқонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувими Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузуб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувими режалаштиришни ва ўтказишини такозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишини ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча "Asaka yog" Акциядорлик жамиятининг 2017 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботлари барча мухимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-ҳўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс этиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

«Erkin-Audit XXI» МЧЖ

Аудиторлик ташкилоти директори ,аудитор

Халқоро сертификат (CAP),СПБ

Аудитор:

Халқоро сертификат (CAP),СПБ

Ш.Б. ХУСАНОВ

Б.А.ПИРМАТОВ